

"Тоза ҳаво" тадбирлари давом этмоқда

Республикамиз ҳудудида ҳар йили икки босқичда "Тоза ҳаво" тадбири ўтказилади. Жорий йилнинг 10 апрелдан бошланган мазкур тадбир Табиат ресурслари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Кўзланган асосий мақсад автотранспорт воситаларидан атроф-муҳитга етказилаётган заарли таъсирларни камайтиришга, шунингдек атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик талабларига риоя қилинишига йўналтирилган.

Ўзбекистон туманида ҳам масъул орган ва муассасалар ҳамкорлигидага мазкур ойлик доирасидаги тегишли тадбирлар ташкилланмоқда. Хусусан, табиат ресурслари Ўзбекистон туман инспекцияси ходимлари томонидан Яйпан шаҳридаги Автошоҳбекат ҳудудида тарғибот кўргазмалари тарқатилиб, автотранспорт воситаларидан ҳосил бўлаётган чиқинди газлар миқдорлари белгиланган меъёрда бўлишшлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.





2023-04-26 18:35:41